# ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ № 22150700002

Тошкент шахар

10-1-2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-375-моддаларига мувофиқ ушбу шартнома бир томондан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси давлат хизмати тизимининг (кейинги уринларда - «АГЕНТЛИК»), бошқа томондан жисмоний ёки юридик шахс («АРИЗА БЕРУВЧИ») нинг қуйидагилар тўғрисидаги таклифидир:

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ агар қуйида кўрсатилган шартлар қабул қилиниб, хизматлар учун тўлов амалга оширилса, қабул қилувчи юридик ёки жисмоний шахс Ариза берувчига айланади Оферта шартномасини тўлиқ ва сўзсиз қабул қилиш (таклиф маъқулланиш) пайтида Агентлик томонидан Ариза берувчидан Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш гувоҳномасини олиш/ восита қайта рўйхатга олиш ёки қўллаш доирасини кенгайтириш учун ариза (кейинги ўринларда - ариза) электрон ҳужжат кўринишида қабул қилинади ва кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олганлик учун, восита қайта рўйхатга олинганда ёки қўллаш доираси кенгайтирилганда йиғим ундирилади.

1.2. «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ электрон ҳужжат шаклидаги ариза қоғоз ҳужжатга тенг бўлиб, маълумотлар батафсил баён этилиши, шунингдек Ариза берувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

1.3. Ариза берувчи Оферта шартномаси (кейинги ўринларда - Шартнома) шартлари билан танишиб чиққач, karantin.uz манзили бўйича электрон ариза юборади. Ариза берувчи Шартномада белгиланган йиғим миқдорини тўлагандан сўнг унинг аризаси фаоллаштирилади.

1.5. Ариза берувчи Шартномани белгиланган тартибда қабул қилиб, шартнома матнида келтириб ўтилган шаклдаги барча шартлар билан танишиб чиққанлигини, рози бўлганлигини хамда тўлик ва сўзсиз кабул килганлигини тасдиклайди.

1.6. Ариза берувчи ушбу ҳужжатнинг 2-бандида кўрсатилган тартибда Шартномани қабул килади ва унда белгиланган шартлар асосида Шартнома тузилишига розилик билдиради.

1.7. Шартнома бекор қилинмайди.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-375-моддалари ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Шартномада Ариза берувчининг мухри ва/ёки имзоси талаб этилмайди хамда шунга асосан ўз юридик кучини сақлаб қолади.

## 2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ Агентлик кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи гувохнома/ воситани қайта рўйхатга олиш ёки қўллаш доирасини кенгайтириш учун беради, қишлоқ хўжалигида ўсимлик заркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик ҳимоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларни ўсишини бошқарувчи воситалар рўйхатини юритади, ҳамда веб-сайтида эълон қилиб боради.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги 765-сонли «Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ қуйидаги тартибда йиғим суммасини тулайди:

| № | Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи гувохнома/ воситани қайта рўйхатга олиш ёки қўллаш доирасини кенгайтириш учун | Бир бирлик учун йиғим суммаси |
|---|---|---|
| 1 | Кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олганлик учун чет эллик ариза берувчи томонидан | базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорда |
| 2 | Кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини чет эллик ариза берувчи томонидан қайта рўйхатга олинганда ёки қўллаш доираси кенгайтирилганда | базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорда |
| 3 | Кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини рўйхатга олганлик учун Маҳаллий ариза берувчилардан | базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорда |

| | | |
|---|---|---|
| 4 | Кимёлаштириш ёки ўсимликларни ҳимоя қилиш воситасини Маҳаллий ариза берувчилардан қайта рўйхатга олинганда ёки қўллаш доираси кенгайтирилганда | базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорда |

| Миқдори | Сумма |
|---|---|
| 18 | 97200000.00 |

2.3. Тўлов тартиби: аризада келтирилган йиғим миқдори 100% олдиндан тўланади.

2.4. Агар йиғим белгиланган кунда тўланмаса, ариза берувчининг аризаси бекор қилинади ва уни қабул қилиш тугалланмаган ҳисобланади.

## 3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

3.1. Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш гувоҳномасини олиш/ воситани қайта рўйхатга олиш ёки қўллаш доирасини кенгайтириш учун Ариза берувчининг аризасига илова қинииадиган барча ҳужжатларни Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 2 декабридаги "Кимёлаштириш ваўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида"ги 765-сонли қарори талабларига кўра тақдим этади.

3.2. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 декабрдаги 765-сонли «Кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини республика ҳудудига олиб кириш тартибини соддалаштириш тўғрисида»ги қарорда белгиланган тартибда аризани кўриб чиқади ва қарор қабул қилади.

3.3. Қуйидагилар кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома беришни рад этиш учун асос бўлиши мумкин:

рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома бериш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва намуналарнинг ариза берувчи томонидан тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилиши, рухсат бериш талаблари ва шартларига номувофиқлиги;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

кимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовларини ўтказиш якунлари бўйича асослантирилган салбий хулосалар берилиши.

3.4. Рад этиш тўғрисидаги хабарнома ариза берувчига ёзма шаклда, рад этиш сабаблари, қонун ҳужжатларининг аниқ нормалари ва ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, такроран кўриб чиқиш учун хужжатларни тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган холда karantin.uz - ахборот тизими оркали юборилади. Ариза берувчи рад этиш сабабларини бартараф этиб ва хужжатларни такроран куриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат гувоҳномани беришни рад этилганлиги хакидаги ёзма хабарнома олинган кундан эътиборан ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

3.5. Агентлик аризадаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбуриятини олади. Амалдаги конунчиликка мувофиқ асосли равишда маълумотни ошкор қилиш холатларида мажбурият бузилган деб хисобланмайди.

## 4. ЖАВОБГАРЛИК, НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЕТИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофик жавобгар бўладилар.

4.2. Шартномани бажариш вактида форс-мажор ҳолатлари: давлат ҳокимияти органларининг ҳаракатлари, ёнтин, сув тошқини, зилзила, бошка табиий офатлар, электр энергиясининг йуклиги, иш ташлашлар, фуқаролик урушлари, тартибсизликлар, шунингдек юқорида санаб ўтилмаган ҳолатлар билан чекланмаган хар қандай бошка фавқулодда ходисалар юзага келиб, Шартнома шартлари бузилса, Агентлик жавобгарликдан озод этилади.

4.3. Агентлик куйидагилар учун жавобгар эмас:

Ариза берувчига ўз хизматларидан фойдаланишни таъминлайдиган умумий алоқа каналлари ёки хизматларининг сифати учун;

Ариза берувчи томонидан karantin.uz сайтида оммавий тарзда тақдим этилган маълумотлар учун.

4.4 Ариза берувчининг Агентлик томонидан кўрсатилган хизматларга эътирози ёки шикоятлари info@karantin.uz электрон почтаси орқали кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

4.5. Низоли вазиятларни кўриб чикишда Агентлик Ариза берувчидан низога доир барча тегишли ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли.

4.6. Тарафлар низо ва келишмовчиликлар юзага келганда судгача низоларни хал этиш тартибини қўллаш мажбуриятини оладилар. Агар низони судгача ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, тарафлар судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

## 5. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

5.1. Ариза берувчи Шартномани қабул қилиш ҳамда бажариш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга.

5.2. Агентлик ушбу Шартноманинг исталган шартларини ўзгартириш ёки тўлдириш ҳуқуқини ўз веб-сайтида барча ўзгаришларни эълон қилиш оркали сақлаб қолади

5.3. Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги меъёрлари асосида тартибга солинади.

## ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ташкилот номи: | Ўсимликлар карантини ва □имояси агентлиги | Ташкилот номи: | „MAXAM-CHIRCHIQ" АЖ |
| Манзил: | Тошкент ш., Бобур кўчаси, 1-берк кўча | Манзил: | Чирчик ш., Тошкент кўч. 2 |
| Тел: | 71 202-10-00 | Тел: | 7071936-15 |
| Х/Р: | 23402000300100001010 | Х/Р: | 20210000100128573001 |
| ИНН: | 201283204 | ИНН: | 200941518 |
| ОКЭД: | 84130 | ОКЭД: | 20151 |
| ЎзР МВ Ғазначилиги: | 400110860262877042103061001 | Банк: | „Уз СҚБ" АТБ Чирчик филиали |
| Банк: | ЎзР. Марказий Банкининг Ҳисоб-китоб маркази | МФО: | 00863 |
| МФО: | 00014 | | |
| ИНН: | 201 122 919 | | |
| Директор: | И.Эргашев | Директор: | Узаков Р.Т. |

Шартнома электрон рақамли имзо ёрдамида тузилган

ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА
к договору № 22150700002 от 10.01.2022 г.

с Агентством по карантину и защите растений
(организация)

на оказание услуг: государственная регистрация минеральных удобрений
(предмет договора)

Договор № 22150700002 от 10.01.2022 г. заключается с целью государственной регистрации минеральных удобрений, производимых АО «MAXAM-CHIRCHIQ», в Агентстве по карантину и защите растений Республики Узбекистан.

Минеральные удобрения входят в Перечень продукции, подлежащей подтверждению соответствия требованиям нормативных документов в области технического регулирования, утвержденный Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 43 от 30.01.2021 г. «Об утверждении перечней объектов оценки соответствия в Республике Узбекистан, соответствие которых подлежит подтверждению». При этом подтверждение соответствия (сертификация) продукции осуществляется в соответствии с решением Государственной химической комиссии при условии получения свидетельства о регистрации химикатов и средств защиты растений. Порядок регистрации химикатов и средств защиты растений изложен в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 765 от 02.12.2020 года «Об упрощении процедуры ввоза на территорию республики химикатов и средств зашиты растений».

Указом Президента Республики Узбекистан № 6262 от 15.07.2021 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы карантина и защиты растений в Республике» Государственная химическая комиссия была упразднена. Полномочия Государственной химической комиссии переданы Агентству по карантину и защите растений Республики Узбекистан.

С Агентством по карантину и защите растений Республики Узбекистан заключается прямой договор на основании пункта 5 Положения о порядке испытаний и регистрации химических веществ и средств защиты растений, утвержденного Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 765 от 02.12.2020 года «Об упрощении процедуры ввоза на территорию республики химикатов и средств зашиты растений».

Заявка на регистрацию минеральных удобрений, производимых АО «MAXAM-CHIRCHIQ», в Агентстве по карантину и защите растений Республики Узбекистан (ранее – Государственная химическая комиссия) была направлена АО «MAXAM-CHIRCHIQ» письмами № 11-2/151 от 01.03.2021 г., № 11-2/191 от 15.03.2021 г. и № 11-2/257 от 14.04.2021 г.

Денежные средства на выполнение работ по регистрации продукции, производимой АО «MAXAM-CHIRCHIQ», в Агентстве по карантину и защите растений запланированы ежегодной сметой затрат по службе главного прибориста.

Главный прибористДосметов Д.Х.